

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.G.01.06. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КОМИЛОВА НАРГИЗА ЎРИНОВНА

**ЭТНОЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИНГ ГЕОГРАФИК ЖИҲАТЛАРИ
(ФАРҒОНА ВОДИЙСИ МИСОЛИДА)**

11.00.02 - Иқтисодий ва ижтимоий география

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Комилова Наргиза Ўриновна

Этноэкологик маданиятнинг географик жиҳатлари (Фарғона водийси мисолида).....3

Комилова Наргиза Уриновна

Географические аспекты этноэкологической культуры (на примере Ферганской долины).....21

Komilova Nargiza Urinovna

Geographical aspects of ethnoecological culture (on the example of Ferghana Valley)40

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....44

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.G.01.06.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КОМИЛОВА НАРГИЗА ЎРИНОВНА

**ЭТНОЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИНГ ГЕОГРАФИК ЖИҲАТЛАРИ
(ФАРҒОНА ВОДИЙСИ МИСОЛИДА)**

11.00.02 - Иқтисодий ва ижтимоий география

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида B2018.4 PhD/Gr71 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (nauka@nuu.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Аҳмадалиев Юсупжон Исмоилович
география фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Комилова Нилуфар Қаршибоевна
география фанлари доктори, профессор

Қодиров Раҳимжон Болтабоевич
география фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc. 27.06.2017.G.01.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «30» декабрь_соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99824) 246-53-21; 246-02-24. E-mail: ikgeografiya.nuuz@mail.ru. Ўзбекистон Миллий университети, География ва табиий ресурслар факультети)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ __ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (+99871) 246-67-71.

Диссертация автореферати 2019 йил «20»_декабрда тарқатилди.
(2019 йил «20» декабрдаги 19 -рақамли реестр баённомаси).

Н.И.Сабитова

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, г.ф.д., профессор

Ш.М.Шарипов

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш илмий котиби, г.ф.н., доцент

А.А.Қаюмов

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, г.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда аҳоли сонининг ортиши ва иқтисодиёт тармоқларининг жадал ривожланиши натижасида табиий ресурслардан фойдаланиш кўлами кенгайиб, унга тушадиган антропоген босим миқдори ортиб бормоқда. Бу ҳолат, аҳоли зичлиги юқори, хўжалик тармоқлари интенсив ривожланган ҳудудларда ижтимоий-экологик муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бундай районларда барқарор ривожланишни таъминлаш масаласи БМТнинг қатор конференцияларида (Рио-де-Жанейро, 1992, Йоханнесбург, 2002, Нью-Йорк, 2015) инсониятнинг яқинлашиб келаётган ижтимоий-экологик ҳалокатлардан қутқариш, ривожланишнинг барқарор йўлига ўтишнинг асосий тамойилларидан бири сифатида - «туб жой аҳоли фойдаланадиган анъанавий билимлар ва қадриятлари, ресурслардан фойдаланиш усуллари» эканлиги таъкидланмоқда¹. Мазкур масалалардан халқнинг анъанавий табиатдан фойдаланиш маданияти ўзига хос бўлган Фарғона водийси каби ҳудудларнинг ижтимоий иқтисодий ривожлантиришни такомиллаштиришда фойдаланишни тақозо этмоқда.

Жаҳонда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг йўналишларидан бири сифатида маҳаллий аҳолининг табиатдан фойдаланиш, яъни этноэкологик маданиятга алоҳида аҳамият берилмоқда. Жаҳон халқларининг табиатдан мувозанатли, тежамкор фойдаланишга йўналтирилган кўникма, малака, одат ва таъқиқларни ўзида мужассамлаштирган этноэкологик маданиятдан табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда ва аҳоли масканларини ҳудудий ташкил этишда, рекреацион объектлар тўрини такомиллаштиришда фойдаланиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Республикамызда барқарор ижтимоий иқтисодий ривожлантиришни таъминлашда мавжуд табиий ресурслардан илмий асосда фойдаланиш, ҳар бир ҳудуднинг табиий шароитига ҳамда шаклланган анъаналарига мос келадиган ва уларнинг имкониятларидан унумли фойдаланишга шароит яратадиган ишлаб чиқариш тармоқлари ва аҳолини жойлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. «Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да «атроф-табиий муҳит, аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларнинг олдини олиш»² юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, маҳаллий аҳолининг табиатдан фойдаланиш тажрибалари асосида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва ижтимоий-экологик муаммоларни олдини олишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

¹ Повестки дня в области устойчивого развития на период до 2030 года //Электронный доступ: <http://www.uz/undp/org/content/uzbekistan.ru>;

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони. <http://lex.uz/pages/getpage....>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4038-сон «Ўзбекистон Республикасида Миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 4 октябрдаги 791-сонли «Фарғона вилоятида анор етиштиришни кўпайтириш ва соҳани ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VIII. «Ер ҳақидаги фанлар», V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Аҳоли этноэкологик маданиятининг ижтимоий-географик жиҳатларини тадқиқ этиш муаммоларини ўрганишнинг назарий-услубий асослари хорижий олимлардан Ж.Х.Стюард, Х.С.Конклин, МДҲ мамлакатлари олимларидан Л.С.Берг, П.Н.Савицкий, Б.В.Андрианов, В.И.Козлов, Л.Н.Гумилев, Р.Ф.Итс, С.М.Мягков, А.Г.Дружинин, Ю.А.Веденин, К.Б.Клоков, К.П.Иванов, И.Ю.Гладкий, В.Н.Калуцков, М.В.Рагулина ва бошқаларнинг ишларида келтирилган.

Халқимизнинг табиатдан фойдаланиш анъаналарини ўрганишнинг ижтимоий-географик жиҳатлари А.Ф.Миддендорф, Д.Н.Қашкаров, Ҳ.Х.Хасанов, Р.У.Раҳимбеков, А.А.Рафиқов, А.И.Жабборов, А.А.Аширов, У.Абдуллаев, А.А.Қаюмов, Р.Баллиева, А.С.Солиев, А.Н.Нигматов, Ф.Ҳ.Ҳикматов, Ю.И.Аҳмадалиев ва бошқа бир қатор олимлар томонидан ўрганилган.

Фарғона водийсини географик жиҳатдан тадқиқ этиш ишлари анча мукамал даражада амалга оширилган. Табиий шароит ва ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш масаласига бағишланган ишлар водийнинг ҳар бир вилояти ва туманларини қамраб олган. Бироқ, маҳаллий аҳолининг табиатдан фойдаланишда кўп асрлик анъаналари, уларнинг ҳудудий ижтимоий географик ва экологик жиҳатлари тадқиқ этилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-7-29 рақамли «Фарғона водийси табиий ресурслари, улардан оқилона фойдаланиш ва юзага келаётган экологик муаммоларни бартараф этиш йўллари» (2014-2019) амалий тадқиқотлар лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Фарғона водийси аҳолисининг табиатдан фойдаланиш соҳасидаги анъанавий этноэкологик маданиятининг ҳудудий жиҳатлари асосида табиий ресурслардан фойдаланишни такомиллаштиришга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

этноэкологик тадқиқотларни ижтимоий-географик мазмун ва моҳият касб этадиган йўналишларини ажратиш, уларнинг предметлараро хусусиятига мос услуб ва усулларини танлаш, такомиллаштириш;

этноэкологик маданият йўналишларини таснифлаш, бугунги ижтимоий-экологик билимлар ойнаси орқали баҳолаш, ҳудудий жиҳатларини районлаштириш;

Фарғона водийси аҳолисининг анъанавий ер ва сувдан фойдаланиш, аҳоли масканларини жойлаштириш маданиятининг ижтимоий географик ва этноэкологик хусусиятлари асосида тавсиялар ишлаб чиқиш;

аҳолининг географик объектларга ном қўйиш, қадамжолар ва зиёратгоҳларнинг ҳудудий ташкил этиш маданиятини тадқиқ этиш орқали табиий ресурслардан фойдаланишни такомиллаштирувчи географик ахборотлар базасини (харита, жадвал, тасниф) яратиш.

Тадқиқотнинг объекти Фарғона водийси аҳолиси этноэкологик маданиятининг ҳудудий жиҳатлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Фарғона водийси аҳолиси этноэкологик маданиятининг ижтимоий географик жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда, табиий ресурслардан фойдаланиш усулларини такомиллаштириш масалалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда районлаштириш, тизимли таҳлил, қиёсий географик, тарихий-географик, этногеографик, статистик ва картографик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

илк бор Фарғона водийси аҳолисининг этноэкологик маданиятини шаклланишига таъсир этувчи табиат (рельеф, иқлим), аҳоли (этнослар салмоғи, касб-кори, марказий аҳоли маскани), хўжалик (суғориш тизими, қишлоқ хўжалиги ерлари ва экин майдонлари таркиби) омилларининг ҳудудий хусусиятлари аниқланган;

Фарғона водийси ҳудуди табиий ресурслардан фойдаланиш маданиятни шакллантирувчи «табиат-аҳоли-хўжалик» кўрсаткичларни миқдорий баҳолаш асосида 4 та этногеографик минтақаси ва 17 та этногеографик районларга ажратилган;

водийдаги ер-сув ресурсларидан фойдаланишнинг 3 та даврга (1876 йилгача; 1876-1991 йй.; 1991 йилдан кейинги) хос бўлган табиий-ташкилий, товар-мақсадли, дастур-мақсадли турлари аниқланган;

водийнинг барқарор ижтимоий иқтисодий ривожланишига хизмат қилувчи табиий ресурслардан фойдаланишни такомиллаштиришда мавжуд қадамжолар ва географик номларнинг ижтимоий-экологик функциясидан фойдаланиш имконини берувчи географик ахборотлар базаси яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Фарғона водийсидаги табиий ресурслардан фойдаланишнинг ҳудудий таркибини ижтимоий-экологик талаблар асосида такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган;

водийдаги этноэкологик районларда аҳоли масканларининг «табиат-аҳоли-ҳўжалик» кўрсаткичларини тенг асосда эътиборга олувчи мувозанатли жойлаштиришнинг ҳамда экотуристик салоҳиятини оширишнинг мақсадли режалари яратилган;

табиий ресурслардан фойдаланиш жараёнида юзага келадиган экологик муаммоларни башорат қилиш, мавжудларига ташхис қўйишга) кўмаклашувчи топонимлар ва географик номларнинг экологик таснифи тузилган;

тикланмайдиган табиий ресурслар истеъмолини онгли равишда тежаш ва асраш кўникмалари шаклланган, экологик маданиятга эга бўлган ёшларни тарбиялашда этноэкологик маданият намуналаридан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг маълумотларидан фойдаланилгани, илмий тадқиқотларнинг замонавий усуллари, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар илмий-асосланган манбалардан олингани, архив ва фонд материалларидан фойдаланилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сайёрамизнинг турли минтақаларида табиий ресурслардан нотўғри фойдаланиш оқибатида вужудга келаётган ижтимоий-экологик муаммоларнинг этногеографик илдизлари мавжудлиги, бугунги экологик муаммоларни бартараф этишда этногеографик ёндашувнинг аҳамиятли эканлиги билан изоҳланади;

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти, аввало, олинган асосий хулоса ва тавсиялардан Фарғона водийсида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг стратегик дастурларини такомиллаштиришда, шунингдек, республикамиз аҳолиси кенг қатламининг этноэкологик маданиятини юксалтириш, таълим тизимида ўқув жараёни самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи ўқув қўлланма ва дарсликлар тайёрлашда, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Фарғона водийсида табиий ресурслардан фойдаланиш ва этноэкологик маданиятнинг ижтимоий географик хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Фарғона водийси аҳолисининг этноэкологик маданиятини шаклланишига таъсир этувчи табиат, аҳоли, хўжалик омилларининг ҳудудий хусусиятларига асосланган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри қўмитасида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва экин майдонларини ташкил этишда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри қўмитасининг 2019 йил 25 майдаги 02-08-4003-сон маълумотномаси). Натижада Фарғона водийси вилоятлари ва туманларида ер ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминловчи экин майдонларининг ҳудудий таркибини такомиллаштириш имконини берган;

Фарғона водийсида ажратилган этногеографик минтақаси ҳамда этногеографик районлар тўри Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри қўмитасида ер фонди, қишлоқ хўжалиги ерлари ва экин майдонларини режалаштиришда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри қўмитасининг 2019 йил 25 майдаги 02-08-4003-сон маълумотномаси). Натижада водийдаги ер тоифалари, ер турлари ва экин майдонларининг ҳудудий таркибини ижтимоий географик нуқтаи назардан оптималлаштириш имконияти яратилган;

водий вилоятларидаги ер-сув ресурсларидан фойдаланишнинг 3 та даврга хос бўлган табиий-ташкилий, товар-мақсадли, дастур-мақсадли турлари ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий йўналишдаги ютуқларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри қўмитасида қишлоқ хўжалиги ерлари ва экин майдонлари таркибини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри қўмитасининг 2019 йил 25 майдаги 02-08-4003-сон маълумотномаси). Натижада ер-сувдан фойдаланишнинг ҳудуд учун хос бўлган маҳаллий усуллари такомиллаштириш асосида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш имконини берган;

Фарғона водийси барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишига хизмат қилувчи табиий ресурслардан фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар ҳудудий таркибини такомиллаштиришда муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳлар ҳамда географик номларнинг ижтимоий-экологик функциясидан фойдаланиш имконини берувчи географик ахборотлар базасидан Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар тўрини такомиллаштиришда, рекреация объектларини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 02-02/8-1048-сон маълумотномаси). Натижада Фарғона водийсидаги муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўрини илмий асосланган ҳолда кенгайтириш, рекреация ва

зиёрат туризмини ривожлантириш, рекреация объектларини муҳофаза қилиш тадбирларини илмий асосда ташкил этиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот ишининг натижалари 2 та халқаро ва 9 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси ва унинг мазмунига оид 26 та илмий мақола ва тезислар эълон қилинган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, 16 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси акс эттирилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этиб, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Табиат ва жамият муносабатларини барқарорлаштиришда этноэкологик қарашларнинг ўрни ва аҳамияти»** деб номланган биринчи бобида дастлабки этноэкологик билимлар антик дунё (Страбон, Гиппократ, Аристотель) ва ислом цивилизацияси олимлари (Ибн Холдун, Беруний, Хоразмий) асарларида келтирилганлиги айтилади. Бироқ, кейинги тадқиқотларда «географик детерминизм»да айбланишдан хавотир олиш, ҳукмрон шўро мафкурасига қарши бориш, фаннинг дастлаб хорижда ишлаб чиқилган методологик асосларининг мавжудлиги каби ҳолатлар бу йўналишнинг жадал ривожланишига тўсиқ бўлди.

Бугунги кунга келиб вазият тубдан ўзгарди. Ижтимоий-экологик муаммолар ечимида замонавий инновацион ёндашувлар билан бир қаторда маҳаллий аҳолининг табиатдан фойдаланиш анъаналарига асосланган этноэкологик ёндашувнинг аҳамияти ҳақида республикаимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев шундай ёзади:—«Халқларимизнинг табиатга унинг бойликларини асраб-авайлаган ҳолда муносабатда бўлиш ва умумий сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш борасида кўп асрлик анъаналарига

суянган ҳолда биз ҳақиқатан ҳам улкан натижаларга эришамиз»³. Бундан ташқари, БМТнинг 2030 йилгача барқарор ривожланиш бўйича халқаро дастурида белгиланган 17 та «мақсад»лардан бири «Қуруқлик экосистемаларини муҳофаза қилиш ва тиклаш, улардан оқилона фойдаланиш, ўрмонларни рационал (оқилона) бошқариш, чўлланишга қарши курашиш, ерларнинг деградациясини тўхтатиш ва биологик хилма-хиллик йўқолишининг олдини олиш»вазифалари ечимига йўналтирилган⁴. Мазкур вазифалар ечими демографик юки оғир, табиатга кўрсатилаётган антропоген босим миқдори юқори бўлган минтақаларда янада долзарб аҳамият касб этмоқда.

Этноэкология илмий йўналишининг асосий тадқиқот объектини белгилашда, икки хил ёндашув кузатилади. Тадқиқотчилардан В.И.Козлов (1983), И.Ю.Гладкий (2003), А.Н.Ямсков (2013) этноэкологияни этнография билан инсон экологияси оралиғида жойлашган, этник география, этнодемография ва этник антропология билан кесишиб кетадиган жойлари бўлган, турли яшаш шароитидаги этнослар ҳаётини қўллаб-қувватлаш тизимидаги хусусиятларини, табиий муҳитдан фойдаланишдаги ўзига хос мослашув усулларини, ҳамда этноэкологизмларнинг шаклланиши ва фаолият кўрсатиш қонуниятларини ўрганувчи йўналиш сифатида ажратадилар. Фанга этноэкология (юнонча *ethnos* – халқ, *oikos* – уй, бошпана, *logos* – сўз, таълимот) атамасини киритган Г.Конклин (1954), кейинчалик И.И.Крупник (1989), Р.Ф.Итс (1991), И.Жабборов (2008) ҳамда Р.Баллиева (2003) каби олимлар этноэкологияга кенг маънода турли этносларнинг табиат билан ўзаро алоқасини, ундан фойдаланишдаги анъанавий маданиятни ўрганувчи, чуқур предметлараро асосга эга бўлган илмий йўналиш сифатида қарайдилар.


Этноэкологик тадқиқотларнинг географик йўналишида, этносларнинг атроф-табиий муҳит билан онгли фаолияти воситачилигида бўладиган алоқаларини ўрганишга асосий эътибор қаратилади (И.Ю.Гладкий, 2003). Бундай тизимли алоқаларнинг пировард натижасида юзага келадиган ва ижтимоий география йўналишидаги этноэкологик тадқиқотларнинг марказига қўйиладиган асосий объект сифатида этноэкологик маданият ва унинг таркибий қисмларини таҳлил қилиш олинади.

Ушбу соҳада изланишлар олиб бораётган А.Г.Дружинин географик маданиятни 14 та турини ажратишни таклиф қилади (1995). Улардан маданиятнинг геотизимларга таъсирини ўрганиш (5), геоэтник маданият (7), анъаналар, хулқ-атвор географияси (9), қадриятлар географияси (11), дин географияси (12) каби турлар ижтимоий география соҳасидаги этноэкологик тадқиқотлар йўналишини белгилашга асос бўлади.

³Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Турманистоннинг Туркманбоши шаҳрида бўлиб ўтган Оролни кутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлисидаги нутқи. Халқ сўзи газетаси, 2018 йил 25 август, № 173 (7131).

⁴ Повестки дня в области устойчивого развития на период до 2030 года //Электронный доступ: <http://www.uz/undp/org/content/uzbekistan.ru>

Ю.А.Веденин (2004) маданий меросни сақлаш ва ундан фойдаланиш масалаларини ҳал қилишда аҳамиятли бўлган 3 та ёндашувни ажратади: а) генетик (мерос-миллий ва минтақавий маданиятни ўзига хослигини сақловчи, тарихий хотирани ташувчиси); б) экологик (мерос-жамият ва биосферанинг барқарор ривожланиши асоси); в) географик (мерос-дунёни, мамлакатлар, минтақалар, этносларнинг маданий ва табиий хилма-хиллигини сақлашни асоси). Бунда маданиятга ижтимоий географик изланишлардаги тадқиқот объекти сифатида қаралади.



1-расм. Этноэкологик маданиятни ижтимоий-географик тадқиқ этиш йўналишлари

Этноэкологик маданиятнинг юзага келишида географик омилнинг ўрни юқори бўлган турларини (табиий ресурслардан фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва б.) аҳолининг умумий экологик маданият билан уйғунлаштириш натижасида этноэкологик маданият юзага келади. Этноэкологик маданиятга берилган кўплаб таърифларни (Кулагина, 2019; Кулясова, 2009) умумлаштирган ҳолда, унга қуйидагича таъриф бериш

мумкин: Этноэкологик маданият - умумий маданиятнинг таркибий қисми бўлиб, этносларнинг табиат билан бўладиган онгли фаолияти натижасида юзага келган анъаналар, урф-одатлар, қадриятлар ва фаолият турларини ўзида жамлаб, этнос билан у яшайдиган ландшафтнинг мураккаб ўзаро алоқаси жараёнида шаклланади ва муайян географик шароитда этносларнинг табиат билан барқарор муносабатини таъминлайди.

Мазкур тадқиқотда этноэкологик маданиятнинг барча йўналишларини эмас, балки, ижтимоий география фанининг ўрганиш объекти бўладигин 3 та методологик талабга жавоб берадиган, яъни ҳудудий мазмунга эга, карталаштириш имконияти мавжуд ва уни тадқиқ этиш географик қобик учун янги билимлар берадиган жиҳатлари ўрганилди (Алаев, 1983).

Натижада, этноэкологик маданиятни моддий йўналишидан анъанавий ер-сув ресурсларидан фойдаланиш ва аҳоли масканлари бунёд этиш маданияти, маънавий йўналишларидан эса, географик объектларга ном бериш, диний эътиқодни муқаддас зиёратгоҳлар ва қадамжолар ташкил этиш маданиятининг ҳудудий жиҳатлари тадқиқот учун танлаб олинди (1-расм). Бундай мураккаб предметлараро тадқиқот объектига эга бўлган изланишлар босқичма-босқич, оддийдан мураккабга томон, чуқурлашиб боровчи кўринишда турли илмий йўналишлардаги усул ва услублардан фойдаланиб олиб борилади.

Жаҳонда маҳаллий аҳоли томонидан қўлланиб келинган этноэкологик маданиятнинг (айниқса, ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш усуллари), пухта ўйланмасдан, кескин ўзгартирилиши ёки унутилиши барча тарихий даврларда салбий экологик оқибатларни келтириб чиқарганлиги тарихий экскурс ёрдамида аниқланди. Маҳаллий этносларнинг ер-сувдан фойдаланиш маданиятини эътиборга олмаслик, антик даврларда ҳам, бизнинг давримизда ҳам, салбий ижтимоий-экологик оқибатларга олиб келиши мумкинлиги тадқиқотлар натижасида кўрсатиб берилди.

Диссертациянинг **«Этноэкологик маданиятни тадқиқ этишга ижтимоий географик ёндашув»** деб номланган иккинчи бобида, дастлаб, этноэкологик тадқиқотлар олиб боришда моҳияти бўйича мажмуали бўлган географик ёндашувнинг аҳамиятига эътибор қаратилади. Сабаби, тадқиқотда ечимини кутаётган муаммоларнинг катта қисми табиий-экологик характерда бўлсада, уларнинг ечимида ижтимоий географик масалаларни ҳал этилиши катта ўрин тутди. Шунинг учун, тадқиқот ишида мажмуали қарашларни ўзида мужассамлаган ижтимоий географик ҳамда экотизимли ёндашувларга алоҳида эътибор қаратилди.

Кишилиқ жамиятининг табиатдан фойдаланиш тамойиллари, турлари ва шакллари турли ижтимоий омиллар таъсирида, тарихий даврлар бўйича синхирон ўзгариб боради. Бу ҳолат ер-сув ресурсларидан фойдаланиш жараёнида янада аниқроқ намоён бўлиши мумкинлиги жаҳон мамлакатлари мисолида В.А.Пуляркин томонидан асослаб берилган (2000). Ушбу методологик асосларга таяниб, таҳлил қилинганда, минтақавий шароитда табиий ресурслардан фойдаланишни ҳудудий ташкил этишнинг учта турини

ажратиш Ю.И.Аҳмадалиев (2014) томонидан таклиф қилинган. Бу турлар табиатдан фойдаланиш мақсадидан келиб чиқиб, шартли равишда табиий-ташкилий, товар-мақсадли ва дастур – мақсадли деб аталган.

Худуднинг табиий имкониятлари ва маҳаллий аҳолининг малакаларидан фойдаланишга асосланган табиатдан фойдаланишнинг дастлабки табиий-ташкилий тури Фарғона водийсида XIX аср охири ва XX аср бошларига қадар мавжуд бўлган. Бу тур, одатда, узоқ тарихий вақт давомида шаклланиб, унда тўпланган кўникма, малака ва тажрибалар табиат билан уйғун, мутаносиб алоқадорликка асосланади. Бинобарин, экологик нуқтаи-назардан қаралганда, бу тур энг мустаҳкам бўлиб, шу мақсадда ўрганишга арзийди.

«Табиат-аҳоли-хўжалик» тизимидаги муносабатлар такомиллашиб боргани сари, биринчи турнинг ўрнини навбатдаги табиатдан фойдаланишнинг товар-мақсадли тури эгаллайди. Бу турда худуднинг табиий имкониятлари билан бир қаторда, субъектив омиллар (масалан, товар экинларига бўлган талабнинг ортиши ёки бегона этносларнинг ландшафт ҳудудига кириб келиши) ҳам эътиборга олинади. Натижада, худуднинг табиий ландшафт хусусиятлари кўпроқ ўзгартирилади, илмий-техника тараққиёти ютуқларидан кенг фойдаланилади. Иқтисодий самарадорлик юқори бўлсада, оқибатда геоэкологик муаммоларнинг келиб чиқиши учун замин тайёрланади. Бу тур Фарғона водийсида 1876 йилдан 1991 йилгача бўлган даврда мавжуд бўлган.

«Табиат-аҳоли-хўжалик» тизими муносабатларининг учинчи, яъни «дастур-мақсадли тури» табиатдан фойдаланишнинг барқарор ривожланиш тамойилларига асосланиб, хўжалик юритаётган, илғор ривожланган мустақил давлатлар учун хосдир. Фарғона водийсида бу турга ўтиш мустақиллигимиздан сўнг амалга оширила бошланди.

Этноэкологик маданиятнинг предметларо характерини эътиборга олиб, уни тизимли тадқиқ этишда В.Н.Калуцков томонидан таклиф этилган «ромашка» модели услубидан фойдаланиш мумкин (2008). Бу модел объектни тадқиқ этишда мажмуалилик, бир-бутунлилик, яхлитлиликни таъминлаб, этноландшафтнинг алоҳида олинган компонентларини эмас, балки улар ўртасидаги ички (тизимли) алоқаларни ўрганишга эътибор қаратади. Шунинг учун, Фарғона водийси аҳолисининг этноэкологик маданиятининг ҳудудий жиҳатларини тадқиқ этиш бўйича олиб борилаётган изланишларда юқоридаги алоқадорлик ва бир-бутунлиликни таъминловчи 3та блокка («Табиат-аҳоли-хўжалик») жамланган кўрсаткичлар ўрганилди.

Биринчи блокда бир хил экологик шароитга эга бўлган, ҳамда табиатдан фойдаланишда ўхшаш усуллар, кўникма, малакалар қўлланадиган бўлақларни юзага келишига сабаб бўлган кўрсаткичлардан худуднинг денгиз сатҳидан баландлигига боғлиқ равишдаги рельеф шакли, тупроқ тури ва ёғин миқдори ўрганиб чиқилади.

Иккинчи блокда этник кўрсаткичлардан асосий этносларнинг худуддаги салмоғи ўрганилди. Худудда «марказий ўрин» ёки «этник ядро» вазифасини

бажарувчи, маълум ҳудуддаги аҳолини ўзида мужассамлаштирган сиёсий, маъмурий, диний, иқтисодий жиҳатдан марказ вазифасини бажарувчи аҳоли марказлари аниқланди. Албатта, бунда асосий этносларнинг малака ва кўникмалари шаклланган касб-кори эътиборга олинди.


Учинчи блокда хўжалик кўрсаткичларидан асосийлари сифатида суғориш тармоғи, суғориладиган ерлар салмоғи, ер ва экин майдонлари таркиби кабилар ҳисобга олинди. Суғорма деҳқончилик қилинадиган ҳудудларда бу омилларнинг район ҳосил қилишдаги ва этноэкологик мувозанатни таъминлашдаги аҳамияти илмий асосланган.

Юқоридаги ландшафт, этник ва хўжаликни район ҳосил қилувчи кўрсаткичларининг миқдорий баҳолаш орқали Фарғона водийсида 4 та этногеографик минтақа ва 17 та этногеографик районларга ажратилди (2-расм).

Диссертациянинг **«Фарғона водийси аҳолисининг табиатдан фойдаланиш маданиятининг ижтимоий географик жиҳатлари»** деб номланган учинчи бобида Фарғона водийсида XIX аср охиридан ва XX аср бошларига қадар мавжуд бўлган табиатдан фойдаланишнинг табиий-ташкилий турида қўлланиладиган этноэкологик маданият намуналари ўрганилди. Ўз вақтида бу маданиятга юксак баҳо бериб, А.Ф.Миддендорф «...Фарғона халқи томонидан асраб келинган бу маданият келажакда фақат Фарғона эмас, балки бутун Ўрта Осиёнинг гуллаб-яшнаши учун зўр омил бўлади» деб таъкидлаган эди.

Биринчи этноландшафт минтақа водийдаги конуссимон ёйилмаларнинг чекка қисмлари ва Марказий Фарғона чўл ҳудудларини эгаллайди. Минтақада тупроқ-экологик ҳолатининг салбий томонга ўзгариши, ер ости сувларининг минераллашуви, тупроқнинг шўрлашуви, қум барханларининг кўчиши кузатилади. Шунинг учун, ушбу ҳудудда мазкур салбий оқибатларга қарши қаратилган тадбирлар мажмуаси ердан фойдаланишнинг асосини ташкил қилган. Ҳудудларда қум барханларининг кўчишига қарши саксовул, туронғил, жилон жийда каби бутасимон ўсимликлар ўстирилган. Экин майдонларининг асосий қисмига шўрга чидамли оқ жўҳори, шолининг уч тури оқ шоли, арпа шоли ва қизил шоли кўп экилиб, ерни шўрини ювиш орқали маданийлаштирилганлиги хос.

Иккинчи этноландшафт минтақа конуссимон ёйилмасининг марказий қисмини эгаллаб, суғориладиган ерларнинг асосий қисми шу минтақада жойлашган. Экин майдонларининг таркибида донли, мойли, толали ва ем-хашак экинлари кўп экилган. Донли экинларнинг камсувталаб, эртапишар



2-расм. Фаргона водийсининг этногеографик районлари

навларидан мош, тарик, жавдар, кўноқ, кузги буғдой каби экинлар танлаб олинган. Мойли экинлардан кунжут, пахта, зиғир, рапс, махсар, кўкнори, кунгабоқар, каноп, ем-ҳашак экинларидан маккажўхори, беда, арпа кўп майдонларни эгаллаган.

Учинчи этноландшафт минтақа конуссимон ёйилмасининг юқори қисмлари, адир оралиғи ботикларини ташкил этади. Ер тоифалари таркибида суғориш иншоотлари эгаллаган ерлар (сув тақсимлаш гидроузеллари) кўп ҳудудни эгаллайди. Минтақанинг ҳар бир райони учун «ихтисослашган» экин ва дарахт турлари аниқланди. Минтақада Кува анори, Намангон олмаси, Кўкон гилоси, Андижон нашвотиси, Марғилон узуми, Чуст ноки, Исфара, Риштон ўриғи, Қувасой шафтолиси, Ёрмозор ёнғоғи, Водил чинори, Сўх картошкаси, Хайдаркон сабзиси, Ёзёвон қовуни, Олтиариқ бодринги, Чўнғара, Бувайда, Ўзган шолиси, Қақир қалампири каби 70 турдаги дарахт ва экин турларининг мавжудлиги ихтисослашувнинг нафақат табиий шароитга балки аҳолининг кўникма ва малакаларига мослигидан далолат беради.

Тўртинчи этноландшафт минтақа Олой, Туркистон, Фарғона, Қурама, Чотқол тизмалари ва адирлар ҳудудини ўз ичига олиб, тик қояли рельеф шакллари чуқур водийлар билан алмашилиб келади. Ҳудудда сув йиғиладиган ҳавзаларни муҳофаза қилувчи «кўриқхона», муқаддас зиёратгоҳ ва қадамжолар борлиги аниқланган. Ердан деҳқончиликда фойдаланиш қисман йўлга қўйилган, чорвачилик ва тоғ боғдорчилигига бўлинган. Сув эрозиясига йўл қўймаслик мақсадида, дарё водийларида шоли, бошқа ҳудудларда кузги буғдой, картошка, сабзи каби илдиз мевали экинлар ва дарахтлар экилган.

Фарғона водийси учун хос бўлган, сув ресурсларидан тежамли ва унумли фойдаланишнинг ҳудудий жиҳатлари ўрганилди. Водийда ариқларга навбати билан сув тақсимлаш, баъзи олимлар таъкидлаганидек, қуръа ташлаш, ариқ оқсоқоли ва миробларининг хоҳиш-иродаси ва ҳаттоки, навбатни сотиб олиш, пора бериш йўли билан амалга оширилиши мумкинлиги ҳақида ёзганлар. Бироқ, бизнинг Риштон ариғида олиб борилган картографик ва дала тадқиқотларимиз ариқларга сув тақсимлаш ҳудуднинг тупроқ-экологик хусусияти ва экинларнинг сувга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб ташкилланган этноэкологик маданият эканлигини очиқ бердик.

Тарихий манбаларда ёзилишича, Риштон ариғидан сув ичадиган «оқ тупроқли» ҳудудда жойлашган Оқтомир, Қўшқайроқ, Тўда, Қалайнов ва Катпут қишлоқлари ўн кун сув олганларидан сўнг «қора тупроқли» ҳудудида жойлашган Зодиён, Жалаер, Бўжай, Бешкапа, Фармачит қишлоқлари сув олганлиги таъкидланган. Маълум бўлишича «оқ тупроқли» ҳудудларда оч тусли бўз тупроқлар тарқалган бўлиб, улар механик таркибидан келиб чиқиб, эрта баҳорда «қора тупроқли» ўтлоқи-аллювиал тупроқларга нисбатан 8-10 кун аввал етилиши аниқланди. Бундан кўринадики, узоқ йиллар давомида кузатиш натижасида, маҳаллий деҳқонлар навбатлашиб сув тақсимлаш

тизимини тупроқнинг етилишига қараб белгилаганликлари ва бу ҳақидаги билимларни авлоддан-авлодга бериб келганликлари маълум бўлади.

Водийда суғориш тизимининг ҳудудни бошқарув усули билан бирикувидан сувни тежаш ва адолатли тақсимлашдаги афзалликлар юзага келганлиги Шаҳрихонсой мисолида аниқланди.

Водийдаги аҳоли масканларининг ҳудудий жойланишининг ишлаб чиқариш ва суғориш тизимига боғлиқ равишдаги 4 тури аниқланди. Биринчи турдаги аҳоли масканлари чорвачилик, боғдорчилик ва ҳунармандчилик ривожланган, иккита ландшафт минтақаси оралиғида (тоғ ва тоғ этакларидаги) жойлашган, қадимги «қўрғон» шаклида бўлган жойлар бўлиб, уларга Исфара, Сўх, Қува, Мингтепа, Ўш, Косон кабилар киради.

Иккинчи тур аҳоли масканларининг ҳудудий жойланиши эса, суғориш тармоқлари (дарё, сой, канал) бўйлаб, лентасимон кўринишини Наманган мисолида кузатик. Бу турнинг географик жиҳатдан афзаллиги, дарё ва сойлар гидрологик режимини ўзгартириши, йирик канал ва сув омборлари қуриш заруратининг йўқлигидир.

Учинчи турдаги аҳоли масканларининг жойланиши эса, конуссимон ёйилмалардаги қишлоқлар учун асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлган ер ресурсларининг тенг миқдорда ва масофада тақсимланишини таъминлайди.

Бу тур Сўх конуссимон ёйилмасидаги қишлоқлар мисолида кўрсатиб берилди. Бундай жойлашишнинг ижтимоий географик жиҳатдан аҳамиятли томони қишлоқларда алмашлаб экиш ва экин турларини белгилашдаги ягона бошқарув механизмидан фойдаланиш имкониятининг мавжудлигидир.

Тўртинчи турдаги аҳоли масканларининг жойланиши эса, қишлоқлар, йирик савдо ва ҳунармандчилик марказлари атрофида кўпроқ иқтисодий кўрсаткичлар таъсирида шаклланган бўлиб, унга Марғилон шаҳри ва унинг атрофи қишлоқлари мисолида ўргандик.

Диссертациянинг **«Фарғона водийсини ижтимоий иқтисодий ривожлантиришда маънавий маданиятнинг ижтимоий географик хусусиятларидан фойдаланиш»** деб номланган тўртинчи бобида миллий маънавиятимизнинг ажралмас қисми бўлган географик объектларга ном бериш, зиёратгоҳ ва қадамжоларни ҳудудий ташкил этиш маданияти ўрганилди.

Ҳар бир географик номларни қўйишдаги қонуниятлар ва уларни ҳудуддаги табиий ресурслардан фойдалиниш имкониятлари ҳақидаги берган функцияси таҳлил этилди. Географик номларнинг ижтимоий географик функциясидан фойдаланиб, табиий ресурслардан мувозанатли, тежамли фойдаланиш услублари ишлаб чиқилди.

Аҳоли масканлари ва табиий объектларни номлашда этнонимлар ва антропотопонимлардан фойдаланиш, бу объектларда ижтимоий-экологик мувозанатни сақловчи восита эканлиги, олиб борилган дала тадқиқотлари ёрдамида асосланди. Халқ, уруғ, қабила ёки бирон киши номи билан аталган объект шу ердаги аҳолида мазкур объектга нисбатан эгалик ҳиссини шакллантиради.

Диннинг табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш йўналишидаги қарашларнинг ҳудудийлик тамойилига мос тушадиган, яъни география фанининг ўрганиш объекти бўладиган, муқаддас зиёратгоҳлар ва қадамжоларга, уларнинг ташкил топиши, ҳудудий жойлашиши ва бажарадиган маънавий-экологик функцияларига эътибор қаратилди. Водийдаги ҳар бир зиёратгоҳнинг табиий ресурсларнинг бирор туридан (дарё, кўл, булоқ, тепалик, қоя, ғор, ўсимлик, хайвонот дунёси) фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишдаги ижтимоий-экологик функциясини очиб берадиган жадвал ва харита ишланди. Зиёратгоҳ ва қадамжоларнинг экологик ва зиёрат туризмини ривожлантиришдаги имкониятлари ўрганилди.

Фарғона водийсининг барқарор ривожланишини таъминлашда этноэкологик маданият намуналаридан фойдаланиш бўйича тавсиялар тадқиқотда кўрилган қуйидаги 5 та йўналишда ишлаб чиқилди; 1. Ҳудудни, қишлоқ хўжалик ерлари ва экин майдонлари таркибининг ландшафт турига ва аҳолининг меҳнат малакаларига мос ҳолда тақсимлаш; 2. Сув ресурсларини тежаш, сув хўжалигини ташкиллашда тарихий-географик тажрибага таяниш; 3. Аҳоли масканларини ҳудудий жойлаштиришда экологик архитектура ва экологик дизайн талабларига мос анъаналаридан фойдаланиш; 4. Этноэкологик маданият намуналаридан ҳудудни ижтимоий иқтисодий ривожлантириш мақсадида фойдаланиш; 5. Таълим-тарбияда этноэкологик маданият намуналарини қўллаш.

ХУЛОСА

Диссертацияда бажарилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар чиқарилди:

1. Табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларни барқарорлаштириш, юзага келаётган ҳудудий ижтимоий географик муаммоларни ҳал этишда маҳаллий халқларнинг табиатдан фойдаланиш борасидаги анъанавий маданиятини ўрганувчи этногеографик ва этноэкологик тадқиқотларга бўлган эҳтиёж ва талаб шакллантирилди;

2. Ижтимоий география йўналишидаги этноэкологик тадқиқотларнинг объекти сифатида этноэкологик маданиятнинг барча йўналиш ва элементлари эмас балки, географиянинг 3 та методологик талабига жавоб берадиган, яъни ҳудудий мазмунга эга, карталаштириш имконияти мавжуд ва уни тадқиқ этиш географик қобик учун янги билимлар берадиган йўналишлари танлаб олинди. Шунга кўра, этноэкологик маданиятнинг моддий йўналишидан ер-сув ресурсларидан фойдаланиш ва аҳоли масканларини ҳудудий ташкил этиш, маънавий йўналишларидан эса, географик объектларга ном бериш, муқаддас зиёратгоҳлар ва қадамжоларни ташкил этиш маданияти, ҳамда этноэкологик таълим-тарбиянинг ҳудудий жиҳатларини ўрганиш ажратиб олинди;

3. Маҳаллий аҳоли томонидан қўлланилиб, авлоддан-авлодга ўтиб, алоҳида қадрият сифатида сақланган, табиий (боқувчи) она ландшафт билан уйғунликка асосланган табиатдан фойдаланиш маданиятининг кескин

ўзгартирилиши, барча тарихий даврларда салбий ижтимоий географик оқибатларни келтириб чиқарганлиги аниқланди. Айниқса, куруқ иқлимли ҳудудларда маҳаллий аҳолининг ер-сувдан фойдаланиш маданиятини етарлича эътиборга олмаслик салбий экологик оқибатларга олиб келган;

4. Этноэкологик маданиятнинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи табиий ва ижтимоий географик омилларни ўзаро алоқадорлик ва яхлитликда ўрганишни таъминлаш учун тарихий-географик ва тизимли ёндашув танлаб олинди. Фарғона водийсида табиий ресурслардан фойдаланишнинг тарихий-географик хусусиятлари асосида 3 та давр (1876 йилгача; 1876-1991 й.й.; 1991 йилдан кейинги) ажратилди. Табиий ресурслардан фойдаланишнинг ҳар бир даври учун хос бўлган табиий-ташкилий, товар-мақсадли, дастур-мақсадли турларини хусусиятларидан ер фонди ва экин майдонларининг ҳудудий таркибини такомиллаштиришда фойдаланилган;

5. Фарғона водийси ҳудуди этногеографик маданиятни шакллантирувчи табиат, аҳоли хўжалик кўрсаткичларини миқдорий баҳолаш асосида, 4 та этногеографик минтақа ва 17 та этногеографик районларга ажратилди. Мазкур районлар тўри картасидан қишлоқ хўжалиги ерларининг истиқболли лойиҳаларини ишлаб чиқишда фойдаланиш тавсия этилди;

6. Фарғона водийси ҳудудида XIX аср охиридан ва XX аср бошларига қадар, мавжуд бўлган анъанавий хўжалик юритишда ер ресурсларидан фойдаланишнинг ҳар бир этногеографик районлар ва этномаданий ландшафтлар учун хос ер тоифалари, ер турлари, асосий экин ва дарахт турлари аниқлаб чиқилди. Алмашлаб экин экиш, суғориладиган ерларни бўз, қўриқ сифатида дам олдириш ва ўғитлашнинг тарихий-маҳаллий усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ;

7. Водийда сув ресурсларидан тежамли, дарёлар режими ва йўналишини ўзгартирмасдан, тупроқнинг етилиши, ҳамда сувга бўлган талабини ҳисобга олувчи «арикларга навбати билан сув тақсимлаш» маданияти шаклланган. Суғориш тизимининг ҳудудни маъмурий бошқарув усули билан мувофиқлаштирилиши натижасида, сув ресурсларини тежаш ва адолатли тақсимлаш тавсия этилди;

8. Аҳоли масканларининг ҳудудий жойлашиши узоқ давом этган тарихий географик жараён маҳсули бўлиб, унда ҳар бир этногеографик ҳудуднинг ер, сув ва бошқа табиий ресурсларидан, иқтисодий географик ўрнидан самарали фойдаланишга кўмаклашувчи жойлаштириш тамойилларига амал қилинган. Жой номларининг ижтимоий географик функциясидан фойдаланиб, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш имконини берувчи таснифий жадвал тузилди;

9. Табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни ҳудудий ташкил этишни такомиллаштиришга кўмаклашувчи, табиий-антропоген генезисга эга бўлган, муқаддас зиёратгоҳлар ва қадамжолардан фойдаланиш, ҳамда рекреацион объектлар тўрини такомиллаштириш имкониятларига хизмат қиладиган географик ахборотлар базаси яратилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.G.01.06.
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

КОМИЛОВА НАРГИЗА УРИНОВНА

**ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ЭТНОЭКОЛОГИЧЕСКОЙ
КУЛЬТУРЫ (НА ПРИМЕРЕ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ)**

11.00.02 – Экономическая и социальная география

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2018.4. PhD/Gr71.

Диссертация выполнена в Ферганском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Ученого совета (nauka@nuu.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Ахмадалиев Юсупжан Исмаилович
доктор географических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Камилова Нилуфар Каршибаевна
доктор исторических наук, профессор

Кадиров Рахимжан Балтабаевич
кандидат географических наук, доцент

Ведущая организация:

Наманганский государственный университет

Защита диссертации состоится «30» декабря 2019 г. в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.G.01.06. при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, Ташкент, ул. Университетская 4. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99824) 246-53-21; 246-02-24. E-mail: ik-geografiya.nuuz@mail.ru. Факультет Географии и природных ресурсов Национального университета Узбекистана)

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирован за № ____). Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Университетская, 4. Административное здание Национального университета Узбекистана.

Автореферат диссертации разослан «20» декабря 2019 года.
(реестр протокола рассылки №19 от «20» декабря 2019 года.)

Н. И. Сабитова
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.г.н., профессор

Ш. М. Шарипов
Учёный секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, к.г.н., доцент

А. А. Каюмов
Председатель Научного семинара при
научном совете по присуждению ученых степеней,
д.г.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Рост численности населения мира и ускоренное развитие отраслей экономики становятся причиной расширения объема использования природных ресурсов и усиления антропогенного давления на них. Это положение, вызывает социально-экологические проблемы в регионах с интенсивно развитыми отраслями хозяйства и высокой плотностью населения. Ряд конференций ООН (Рио-де-Жанейро, 1992 г.; Йоханнесбург, 2002 г., Нью-Йорк, 2015 г.) особое внимание уделяется обеспечению устойчивого развития таких районов, принципов защиты человечества от грядущих социально-экологических катастроф и переход путей к устойчивому развитию этих регионов является «признание традиционных знаний и ценностей, способы использования ресурсов коренного населения»¹. Эти задачи требуют использования традиционной культуры природопользования народов для совершенствования социально-экономического развития таких регионов как Ферганская долина.

В мире особое внимание уделяется методам природопользования местного населения, то есть этноэкологической культуре как одно из направлений. рационального использования природных ресурсов. Важной задачей является использование этноэкологической культуры, вобравшая в себя традиции, навыки, требования, обычаи и запреты направленные на равновесное, не наносящее вреда природопользованию, нацеленные на сбалансированное и устойчивое использование природных ресурсов, территориальная организация населенных пунктов и улучшение сети рекреационных объектов.

В Республике Узбекистан особое внимание уделяется использованию имеющихся природных ресурсов на научной основе, распределению отраслей и населения, которые соответствуют природным условиям, традициям каждого региона и способствуют их эффективному использованию для устойчивого социально-экономического развития. В «Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» намечены важные задачи по «предотвращению экологических проблем, наносящих ущерб окружающей природной среде, здоровью и генофонду населения».² В связи с этим научные исследования, направленные на рациональное использование природных ресурсов и предотвращение социально-экологических проблем, основаны на опыте местного населения имеют важное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит осуществлению задач, предусмотренных в Законах Республики Узбекистан «Об охране природы» и «Об охране и использовании объектов культурного

¹Повестки дня в области устойчивого развития на период до 2030 года //Электронный доступ: <http://www.uz/undp/org/content/uzbekistan.ru>

²Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». <http://lex.uz/pages/getpage...>

наследия», Указе Президента Республики Узбекистан № ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлении Президента Республики Узбекистан от 28 ноября 2018 года «Об утверждении концепции дальнейшего развития Национальной культуры в Республике Узбекистан», Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан № 791 от 4 октября 2018 года «О мерах по увеличению выращивания граната и развитию отрасли в Ферганской области», а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данная исследовательская работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики - VIII. «Науки о земле», V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Научно-методические основы изучения проблем географических аспектов этноэкологической культуры населения приведены в работах зарубежных ученых Ж.Х.Стюард, Х.С.Конклин, ученых стран СНГ, таких как Л.С.Берг, П.Н.Савицкий, Б.В.Андрианов, В.И.Козлов, Л.Н.Гумилев, Р.Ф.Итс, С.М.Мягков, А.Г.Дружинин, Ю.А.Веденин, К.Б.Клоков, К.П.Иванов, И.Ю.Гладкий, В.Н.Калуцков, М.В.Рагулина и другие.

Социально-географические аспекты традиций нашего народа по природопользованию исследовали А.Ф.Миддендорф, Д.Н.Кашкаров, Х.Х.Хасанов, Р.У.Рахимбеков, А.А.Рафиков, С.К.Кораев, И.Жабборов, У.Абдуллаев, А.А.Каюмов, Р.Баллиева, А.С.Солиев, А.Н.Нигматов, Ф.Х.Хикматов, Н.К.Комилова, Ю.И.Ахмадалиев и ряд других ученых.

Исследования работы по изучению Ферганской долины в географическом аспекте выполнены достаточно досконально. Работы, посвященные вопросу рационального использования и охраны природных ресурсов, выполнены для каждого вилоята и природной зоны долины. Однако, не исследованы накопленные многовековые традиции местного населения в области природопользования и его территориальные социально-географические и экологические аспекты.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного и научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках проекта прикладных исследований за номером ИТД-7-29 «Природные ресурсы Ферганской долины, их рациональное использование и пути решения экологических проблем» (2014-2019 гг.) плана научно-исследовательских работ Ферганского государственного университета.

Целью исследования является разработка научно-обоснованных предложений и рекомендаций по совершенствованию использования природных ресурсов на основе территориальных аспектов традиционной

этноэкологической культуры населения Ферганской долины в области природопользования.

Задачи исследования:

выделение этноэкологических исследований имеющих социально-географические содержания и сущность, выбирать и совершенствовать методы и методологии соответствующих их межпредметной особенности;

классификация направлений этноэкологической культуры, оценивать через призму современных социально-экологических знаний, районировать территориальные аспекты;

разработать рекомендации на основе социально-географических и этноэкологических особенностей традиционного природопользования и культуры размещения населенных мест населения Ферганской долины;

создание географических информационных баз данных (карты, таблицы, классификации) на основе исследования культуры населения по наименования географических объектов и территориальная организация сакральных мест и паломничества.

Объектом исследования являются территориальные аспекты этноэкологической культуры населения Ферганской долины.

